

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2026 йил
8 май,
жума
№ 18
(1104)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда жамоат транспортини янада яхшилаш ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш юзасидан тақдирот билан танишди.

Сўнгги йилларда аҳолига қулай, хавфсиз ва экологик тоза жамоат транспорти хизматини кўрсатиш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги уч йилда пойтахт ва вилоят марказларига 2 минг 650 та замонавий электробус ва автобуслар олиб келинди. Брутто-шартнома асосида 279 та мунтазам йўналиш йўлга қўйилди.

Натижада ҳар куни йўналишга чиқаётган автобуслар сони 3 минг 150 тага етди. Кунлик қатновлар сони 2022 йилдаги 18 мингтадан 45,2 мингтага, йўловчилар оқими эса 900 минг нафардан 2,3 миллион нафарга ошди. Шу орқали 4,8 мингта янги иш ўрни яратилди.

Тақдиротда жамоат транспортини янада ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар кўриб чиқилди. Урбанизация жараёнлари тезлашаётгани, пойтахт ва вилоят марказларига туташ ҳудудларда аҳоли ҳаракати кескин кўпайгани сабабли шаҳарларга киришда қатновлар 30 фоизга ошгани қайд этилди.

Шу муносабат билан шаҳар жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш таклиф қилинди. Бунда шаҳарлар атрофидаги 12

километрча бўлган ҳудудларга қатнайдиغان автобус йўналишлари ҳам брутто-шартнома тизими билан қамраб олинади.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Назарбек, Шифобахш сувлар ва Уч Қахрамон ҳудудларини пойтахт билан боғлаш орқали автомобиллар оқимини камида 20 фоизга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Умуман, пойтахтда 19 та, вилоят марказларида 79 та шундай йўналиш ташкил этиш режалаштирилган.

Пойтахт жамоат транспорти ва шаҳар атрофи темир йўл қатновларини ўзаро боғлаш мақсадида “электрорезидент – автобус”, “электрорезидент – метро” каби қулай тарифларни жорий этиш таклиф қилинди.

Қолаверса, вилоят марказларида жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш зарурлиги таъкидланди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳудудларда яна 1,5 мингта катта ва ўрта сифимли автобусларга эҳтиёж бор. Шу боис, замонавий автобуслар олиб келишни рағбатлантириш, тадбиркорлар учун молиявий имкониятларни кенгайтириш, кредит линияларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди. Жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида автобусларни импорт қилишда утилизация йиғимидан озод қилиш муддатини яна 2 йилга узайтириш таклиф қилинди.

Тақдиротда автобус ҳайдовчилари учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда айрим ҳайдовчилар меъёрдан ортиқ ишлаётгани хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ўтган йили пойтахтнинг ўзида ҳайдовчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва муомаласи юзасидан аҳолидан 1 минг 670 та шикоят келиб тушган. Автобуслар иштирокида 109 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Шу муносабат билан брутто-шартнома тизимини такомиллаштириш, бир автобусга тўғри келадиган ҳайдовчилар сонини 2 нафардан 3 нафарга ошириш, ҳаракат хавфсизлиги ва хизмат маданиятини кўчатириш вазифаси қўйилди.

Жамоат транспортда бажарилган иш ҳажми ва сифатини баҳолаш учун ҳар бир вилоятда диспетчерлик марказлари ташкил этилган. Бунинг натижасида ҳаракат жадвалига мувофиқ бажарилаётган қатновлар улуши 90 фоизга етди.

Энди ушбу тизимларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали йўловчилар оқимига мос равишда автобуслар ҳаракатини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. Бу бир йўловчини ташиш таннархини 10-15 фоизга қисқартириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жамоат

транспортини ривожлантиришда аҳоли сони кўп шаҳарлар билан бирга туризм марказларини ҳам қамраб олиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд ва Наманган аҳолиси бир миллионлик шаҳарларга айлантириш бўйича белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур ҳудудларда аҳоли ва сайёҳлар учун замонавий “яшил транспорт” йўналишларини кўпайтириш бўйича аниқ мастер-режалар ишлаб чиқиш топширилди.

Охириги йилларда Хива шаҳрига туристлар оқими 3 қарра кўпайгани, бу эса қулай жамоат транспортига эҳтиёжни кескин оширгани қайд этилди. Шу боис, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби йирик туризм масканларида ҳам жамоат транспортини ривожлантириш дастурини бошлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз жамоат транспортини аҳоли кундалик ҳаёти сифати, шаҳарлардаги ҳаракат маданияти, экология ва иқтисодий фаоллик билан бевосита боғлиқ муҳим соҳа эканини таъкидлаб, мутасаддиларга транспорт хизматлари қулайлиги ва хавфсизлигини ошириш, йўналишларни агломерация тамойили асосида кенгайтириш, соҳада рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари демократик, инсонпарварлик ва адолат тамойиллари асосида ҳуқуқий тартибга солинмоқда. Хусусан, Конституциямизнинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимоялаш ҳуқуқига эга эканлиги мустақкамланган.



Конституциямизда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат тамойилларини рўйбга чиқаришга хизмат қилади

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, 2022 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон бир қатор халқаро шартномаларнинг тўлақонли иштирокчиси сифатида, уларда назарда тутилган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш борасида қатъий интизомга амал қилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси

Хабар

Тарихий адолат тикланди:

қатағоннинг 161 нафар қурбони оқланди



Мамлакатимизда тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари қувғину қатағонга дучор этилган аждодларимиз номини оқлаш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадий-

лаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинган бунга кенг йўл очди. (Давоми 3-бетда) ►

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Инсон қадри — улуғ, аждодлар хотираси — муқаддас, Ватанга садоқат — абадий!

Инсон қадрини улуғлаш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизга меҳр ва эътибор кўрсатиш Конституциямизда белгиланган бош тамойил сифатида бугунги кунда ҳар бир соҳа ва тармоқда фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Яқин асрларда инсоният тарихида чуқур фожиали из қолдирган ҳодисалар, шубҳасиз, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон учун Иккинчи жаҳон уруши халқимиз ҳаётида йўқотишлар кўп бўлганлиги

билан ажралиб туради. Ўша урушда 62 та давлат иштирок этган бўлиб, у сайёрамиз аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган. Жанговар ҳаракатлар 40 давлат, уч қитъа ва тўрт уммон ҳудудида олиб борилган. Жанглarda

110 миллион аскар иштирок этган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 70 миллион, бошқа баъзи маълумотларга асосан эса, 85 миллион нафар атрофида инсон ҳалок бўлган.

Шунча кўп одамлар қурбон бўлган ушбу урушда бевосита инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, хусусан, яшаш ҳуқуқи тўла поймол этилди. Ҳуқуқлари топталган бу инсонларнинг катта қисмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этган. (Давоми 2-бетда) ►

Муносабат

Янги Ўзбекистоннинг судларни адолат қўргонига айлантиришга қаратилган шиддатли ислохотларига бир назар

5 май куни пойтахтимизда “Туркий давлатларда суд-ҳуқуқ таълими ва одил судлов: рақамли трансформация ҳамда илғор тажрибалар сари интеграция” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Тадбир Одил судлов академияси томонидан ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатларининг суд-ҳуқуқ таълими муассасалари, прокуратура органлари ҳузуридаги академиялар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар қатнашдилар.

Айтиш керакки, кейинги ўн йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси негизига мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислохот этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. (Давоми 3-бетда) ►



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга, судларнинг юклавасини камайтиришга, фахрийларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини белгилашга, камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида яхлит тизимни шакллантиришга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти



ФАХРИЙЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ МУСТАҚКАМЛАНМОҚДА

Мажлисида дастлаб ўқишда кўриб чиқилди. “Фахрийлар тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси биринчи (Давоми 2-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Баъзида бирдан икки-уч ака-ука баравар келиб қолишарди. Бундай ҳодисалар,

айниқса, Фарғона, Чимкент томондан келадиганларда кўп учраб турарди.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄(Бошланиши 1-бетда)

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фахрийлар, айниқса, Ватанимиз ва халқимиз тараққиёти учун бутун умрини бахшида қилган кекса авлод вакиллари доимий ва тизимли равишда қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Бугунги кунда фахрийлар учун яратилган имтиёзлар турли норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиб, тарқоқ ҳолда амалга оширилиб келинмоқда. Бу ҳолат ушбу йўналишдаги ишларни ягона тизимга мужассамлаштиришни тақоза этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми, тоифалари ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда қафолатлари мустаҳкамланмоқда.


Қонун лойиҳасига қўра, муайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мо-

байнида виждонан намунали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган жисмоний шахсларга фахрий мақоми берилади.

Мазкур мақомни олган фуқаролар санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, солиқ ва пенсияга оид имтиёзлардан фойдаланиш каби бир қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, фахрийларнинг амбулатор даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгилочар муассасалар (спорт, театр, моддий маданий мерос объектлари) ҳамда музейларнинг пуллик хизматларидан имтиёзли фойдаланиши белгиланмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



Мажлисида низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.


Мазкур қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги суд буйруғи тартибидида қўриладиган айрим низосиз талабларга оид ишлар доираси қайта қўриб чиқилмоқда.

Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартиралар уйлардаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори

базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан кўп бўлган тақдирда, суд томонидан буйруқ тартибидида қўриб чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган низосиз талабларга доир ишлар нотариуслар томонидан ҳал этилади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланадиган ҳақиқий харажатлар миқдорига мувофиқлаштирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.



Мажлисида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Таклиф этилаётган тартибга қўра, фуқарони ишга қабул қилишда, асосан, унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва қақирилувчилар эса, ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишга киришда электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирма бе-

риш бекор қилинмоқда. Шунингдек, электрон рақамли имзо ёки биометрик идентификация (Face-ID) орқали тасдиқланган ҳужжатлар юридик жиҳатдан қўлда имзоланган ҳужжатлар билан тенглаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасида меҳнат жараёнида тазйик ва зўравонликка қарши курашишга доир нормалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бундай ҳолатларни тақиқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланган ходимларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда.

Бундан ташқари иш бевручи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пулли компенсация тўлаш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

9 май — Хотира ва қадрлаш кун

Инсон қадри — улуғ, аждодлар хотираси — муқаддас, Ватанга садоқат — абадий!

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 май кун пойтахтимиз ҳудудида ўзбек халқининг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси, кўрсатган жасоратининг рамзий ифодаси сифатида улкан боғ барпо этиш ғоясини илгари сурди. Ғалаба боғи концепцияси давлат раҳбарининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган **“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ тасдиқланди.

Ғалаба боғини барпо этиш билан боғлиқ қурилиш ишлари давом этаётган бир паллада, Президентимизнинг кўрсатмасига биноан уруш билан боғлиқ маълумотлар ва рақамларни ойдинлаштириш мақсадида, давлат архивдаги илгари ёпиқ бўлган маълумотлар батафсил ва ҳолисона ўрганиб чиқилди. Натижада 2020 йилга келиб, шу вақтгача маълум бўлган кўплаб рақамларда жиддий тафовутлар мавжудлиги аниқланди ва тарихий ҳақиқат тўлиқ тикланди.

Академик Акмал Саидовнинг “Ғалаба боғи фалсафаси” номи китобидаги куйидаги жадвалда уруш билан боғлиқ айрим рақамларнинг аввалги ва 2020 йилда аниқланган ҳолати ҳамда улар орасидаги фарқлар қиёсий таҳлил асосида тақдим этилган. Бу рақамлар 2026 йил ҳолатида ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги Ўзбекистон иштироки бўйича расмий маълумот сифатида эътироф этилади:

т/р	Маълумотлар ва фактлар	2019 йил 9 майгача бўлган рақамлар	2020 йил 9 майгача аниқланган рақамлар	Ўртадаги фарқ
1	Ўзбекистондан урушда иштирок этганлар	1 433 230 нафар	1 950 700 нафар	517 430 нафар кўп
2	Урушдан қайтганлар	658 780 нафар	1 054 298 нафар	395 518 нафар кўп
3	Яраланган ўзбекистонликлар	640 000 нафар	870 942 нафар	230 942 нафар кўп
4	Ҳалок бўлган ўзбекистонликлар	395 725 нафар	538 366 нафар	142 641 нафар кўп
5	Бедарак йўқолганлар	263 055 нафар	158 036 нафар	105 019 нафар кўп
6	Ўзбекистонга эвакуация қилинган одамлар сони	1 000 000 нафар	1 500 000 нафар	500 000 нафар кўп
7	Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар сони	200 000 нафар	250 000 нафар	50 000 нафар кўп

Қуйида тафсилоти келтирилаётган жиноят иши «қаҳрамон» Отабек Абдурахимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) Тошкент шаҳридаги “Idea concept group” масъулияти чекланган жамиятда дастлаб оддий сотувчи, кейинчалик эса, катта сотувчи-маслаҳатчи, дўкон раҳбари, сўнг туманлараро супервайзер лавозимига фаолият юртган.

Супервайзер ушбу корхона тизимида раҳбарлик ва назорат ваколатига эга лавозимларидан бири саналади. Чунки О. Абдурахимов бир эмас, икки эмас, олтига дўкон фаолиятини назорат қилиши, товарлар ҳаракатини кузатиши, товарлар савдосини мувофиқлаштириб бориши лозим эди.

Дўконларда сотиладиган маиший-техника буюмлари дастлаб корхона омборига кириб қилинади, сўнг сотувга чиқарилади. Баъзан бу товарлар, эҳтиёждан келиб чиқиб, бир филиалдан иккинчисига ўтказилади. Табиийки, бу ишлар масъул ходимдан ҳисоб-китобни аниқ юритишни, жавобгарлик ва масъулиятни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, масъулияти чекланган жамият мутасаддилари оддий сотувчиликдан иш бошлаган О.Абдурахимовга ишонч билдириб, масъулиятли вазифани топширган. Албатта, ўзининг қадрини билган одам бундай ишончга садоқати, ҳалол меҳнати билан жавоб беради.

Бундай деяётганимизнинг сабаби шундаки, бир пайтлар жамоада яшигина обрў-этибор қозонган О.Абду-

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган. Янгиланган маълумотларга қўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушда иштирок этган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, уша даврда Ўзбекистон аҳолисининг деярли учдан бир қисми урушда қатнашган. Аммо 2020 йил 9 майгача биз уларнинг сонини 1 миллион 500 мингга яқин деб билардик.

Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашистлар устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ғоят беқиёс. Уруш бошлангандан кейин ҳар кун кўнгилли инсонлардан фронтга жўнатишни сўраб, кўплаб аризалар келиб тушган. Дастлабки кунларнинг ўзидаёқ уларнинг сони 14 мингдан ортиқни ташкил этган.

Уруш йиллари Ўзбекистонда 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга 151 та завод кўчириб келтирилган. Санат-ишлаб чиқариш соҳалари тўлиқ уруш мақсадларига муносиб

Уруш йилларида Ўзбекистон саноати томонидан фронтга етказиб берилган ҳарбий маҳсулотлар миқдори ҳам ҳайратланарли:

- самолёт — 2 403 та (илгари 2 100 та);
- авиамотор — 19 800 та (илгари 17 342 та);
- миномёт — 18 641 та (илгари 17 100 та);
- мина — 22 800 000 та (илгари 22 000 000 та);



Ғалаба боғини барпо этиш билан боғлиқ қурилиш ишлари давом этаётган бир паллада, Президентимизнинг кўрсатмасига биноан уруш билан боғлиқ маълумотлар ва рақамларни ойдинлаштириш мақсадида, давлат архивдаги илгари ёпиқ бўлган маълумотлар батафсил ва ҳолисона ўрганиб чиқилди.

- снаряд — 606 200 та (илгари 560 000 та);
- парашют — 420 000 та (илгари 330 000 та);
- ҳарбий-санитария поезди — 100 та (илгари 18 та);
- ҳарбий кимёвий аппаратура — 60187 та (илгари 60 000 та);
- кабеллар — 220 000 км (илгари 100 000 км).

Бу маълумотларда ҳам фронтга етказиб берилган ҳарбий техника миқдорининг деярли ҳар бир турида сонларнинг анча миқдорда кўпайганлигини кўриш мумкин.

Фронт учун иссиқ кийимлар тўплаб, топшириш ва уларни тайёрлаш жараёнлари ҳақидаги тарихий ҳужжатлар уруш йиллари Ўзбекистон армияга, жумладан, 7518,8 мингдан ортиқ гимнастёрка, 2636,7 мингдан зиёд пахтали нимча, 2861,5 минг жуфтдан ортиқ этик ва кўнжли ботинкаларни юборгани-

дан дарак беради.

Уруш йиллари Ўзбекистон фронт учун барча зарур маҳсулотларни жўнатиб турган. Тарихий манбаларга қўра, фронтга 18 миллион 276 минг тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ва 65 миллион 178 минг донадан ортиқ кийим-кечаклар юборилган.

Маҳсулотларнинг барчаси оддий меҳнат қуроллари орқали аёллар ва қариялар томонидан, бироқ жанговар рух ва матонат билан тайёрланган. Шу маънода, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.**

Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар сони умумий ҳисобда 250 минг нафарни ташкил этади. Юзлаб ўзбек оилалари уруш туфайли ота-онасидан эрта ажралиб қолган бу болаларга бағрини очди.

Бу ўринда турли миллатга мансуб 14 нафар болани ўз бағрига олган тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шоаҳмудов ва Баҳри Акрамова оиласи аллақачон болажон халқимиз тимсолига айланиб бўлганини эътироф этиш лозим.

Ўзаро меҳр-мурувват ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳурмат-эътибор башар аҳлининг ҳамжиҳатлиги билан тинч ҳаёт кечиретишида катта роль ўйнайдиган инсоний фазилатлардир. Сабр-тоқат ва мулоҳазакорлик, кенглик ва

вазминлик билан фикр юритиб, оқилона қарорлар қабул қилиш ҳамда эзгу ишларнинг бошини тутиш ҳар қандай хавфли низоларнинг ҳам олдини олади ва талафотларни имкон қадар камайтиради.

Бинобарин, урушлардан ноҳақ азият чекадиган қурбонларнинг асосий қисмини оддий аҳоли қатламлари — бегуноҳ инсонлар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва болалар ташкил этиши олис тарихдан яхши маълум.

Шунинг учун бу йил ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кун юртимизда кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилмоқда. Уларнинг саломатлиги ҳамisha эътибор марказида турибди.

Тошкент шаҳрида барпо этилган Ғалаба боғи ва жойлардаги барча хотира мажмуалари ҳар доим, айниқса, байрам кунларида ёшу кексалар билан гавжум. Зеро, бу мўътабар масканлар, бир томондан, халқимизнинг 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини, урушдаги йўқотишлари ва тинчлик учун курашини ифодаласа; иккинчи томондан, фашизмга қарши жангларда қатнашган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлоднинг мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади йўлида хизмат қилади.

Адҳам МУҲРУМБОВЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази етакчи мутахассиси

Жиноят ва жазо

Мансаб ваколатини

сўмлик моддий зарар етказган.

Айтиш керакики, О.Абдурахимов бу жиноий қилмишни ўта пухталики би-

Қочишга уриниш ҳам, вазияттри яшириш ҳам, электрон базадagi сохтакорликлар ҳам охир-оқибат ҳақиқатнинг очилишига тўсқинлик қила олмади. Талон-торож қилинган мулкнинг изи омбордаги камомадда, банк ҳисобидаги кримсизликда, электрон база номувофиқлигида, гувоҳлар кўрсатмалари ва жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатларда яққол кўринди. О.Абдурахимов эса судда жиноий кирдикорлари учун жавоб берди.

лан содир этган. У жиноий қилмишдан бошқалар хабар топмаслиги учун товарларнинг электрон база бўйича ҳаракатини ҳам бошқарган. Товарлар, гўёки, бир филиалдан иккинчи филиалга ўтказилган.

2024 йил декабрь ойига келиб, корхона раҳбарияти электрон базада турган, лекин амалда мавжудлиги шубҳа уйғотаётган маиший-техника воситаларини суриштира бошлайди. Сири фош бўлишдан талвасга тушган О.Абдурахимов алдос йўлига ўтади. Салкам 2 миллиард 200 миллион сўмлик техника воситаларини турли хил ташкилотлар сотиб олгани, тез орада пулини тўлашини айтиб, ўзининг ёлғон сўзларига ишонттиришга уринади.

Амалдаги тартибга қўра, ташкилотларга сотилган товарлар бўйича камиди ўн беш фоиз тўлов олдиндан корхона ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши керак. Масъулияти чекланган жамият мутасаддилари ушбу тўлов амалга оширилмагани сабабини суриштиравергач, О.Абдурахимов ўз ёнидан корхона ҳисобига 440 миллион сўм тўлайди.

